

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ — ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. М.ж.г.да бир-биридан тубдан фарқ қиласидиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги бекарорлик, улар манфаатларидағи ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувиға олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон – бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган, олис – яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири – турли мамлакатларни мафкуравий зabit этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмасиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузиликни тарғиб қиласидиган “санъат асарлари”нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазиик ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

Геосиёсат ва Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар

XX асрнинг сўнггида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган сер-қирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй берәётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик

шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган.

Хозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар мавжуд минтақалардан бири ҳисобланади. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий, маҳаллий можаролар ва диний экстремизм таҳдид солиши эҳтимоли мавжуд. Бундай қарама-қаршиликларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири – минтақа ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан ялпи хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган худудда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг худудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистоннинг этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турганлиги билан изоҳланади. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби бекарорлик ўчоги билан чегарадош.

«Геосиёсий мақсадлар — муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга худуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёsatни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёsat билан қўшилиб бормоқда. Инсон қалби ва онги учун кураш — бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир».

Минтақавий низолар терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳукуқларини оммавий суръатда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда.

Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядрорий қуроллардан холи худуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, ҳавфсизликка солинаётган таҳдидлар сиёсий экстремизм, жумладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдуудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундейди.

Мазкур мавзу учун Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосий манба ҳисобланади. Ана шу сабабдан ҳам маърузачи ўз дарсининг бошланишида мазкур асарда Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятларига алоҳида тўхталиши лозим. Ана шу таҳдидлар орасида минтақавий жиҳатнинг аҳамияти тушунтирилгандан сўнг мавзуни ёритиш осонлашади.

Бугун «икки қутбли мафкура» ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий ғояга зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатлар тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш ниқоби билан ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, ҳақиқий қадриятларимизга зид бўлган турли оқимлар аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёning турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқда.

Ана шундай шароитда миллий ғояни чуқур эгаллаш орқалигина бундай мафкуравий майдонларда олиб борилаётган курашлар моҳиятини тўғри тушуниш ва олдини олиш мумкин. Мафкуравий жараёнлар фикр ва ғоялар тизими сифатида инсон онгига йўналтирилгани, ўзига хос мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар кўплаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичida турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Маърифий ривожланиш ва дунё халқлари ривожи шуни тақозо этадики, геосиёсат ҳам маълум мақсадларни кўзлар экан, у фақат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар равнақига, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясига мос бўлиши керак. У Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак.

Шу маънода, геосиёсатга янгича ёндашув XXI асрда ўзгача маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётига хизмат қилади.

ХХ асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, Марказий Осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ СССРнинг парчаланиши ҳукмон мафкуранинг барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтириди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмонлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан «СССР — ягона Ватан» ва «совет халқи — янги тарихий бирлик, деган тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлигига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тазийқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўзларининг ички ҳаёти ва истиқлонини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўzlари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараённинг минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириб туришга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийдир.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йилгача собиқ марказ ўз ҳукмонлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттириди. Бу ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир қўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юборди Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб қўринсалар-да, аслида ҳар бир кўрсатаётган «ёрдамлари» эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек қўринади.

Аммо уларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўз таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам

ошиб борди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «СССР парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди»¹.

Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани нафақат мамлакатимиз учун, балки минтақадаги барча давлатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хомашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геосиёсий жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажralиб туради. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қиласи. Шу маънода, турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғо-нистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўл ва услубларини ишга солмоқда.

Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериш мумкин.

Масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, Президент Ислом Каримов бундай деган эди: «Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибди, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра, бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлар билан бирга, қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни бекарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган худудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради»².

Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иктисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиши, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёқараси ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий «сабок» бериш, исломни қайта тиклаш байроби остида

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1998. —42-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1998. —45-бет.

минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиши борасида олиб борилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари кучайди.

Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад — диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада бекарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих сахифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажralmas қисми бўлган миллий ўзига хосликни «курбон» қилиш ғоясидан ҳам тоймаяптилар.

Айнан ана шу хатти-ҳаракатлар бугунги кунда ўз обрўсидан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-ленинизм таълимотини эслатиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими — большевиклар, миллати ва ирқидан қатъи назар, дунёда яшаётган барча халқларни бирлаштириш ғояларини илгари суриб, террор йўли билан ҳокимиятни қўлга киритган эди. Уларнинг асосий фожиаларидан бири ҳам миллий омил ва тадрижийликнинг аҳамиятини тан олмаганларида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар соҳиби сифатида ном қолдирди.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Йигирма йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий можаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли заарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу хавфнинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқда.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да Президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди, бу масалаларнинг ўта мураккаб тус олаётганлигини асослаб берди. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Минтақа халқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараённи тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашдилар ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро иқтисодий интеграциялашувнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, 2000 йил апрель ойида Тошкентда, 2000 йил август ойида Бишкеқда, октябрь ойида Тошкентда,

2001 йил январида Остонада бўлиб ўтган учрашувларда минтақада хавф-сизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда «Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари» тўғрисидаги ўта муҳим ҳужжат шулар жумласидандир.

Дунёдаги геосиёсий ва геомафкуравий жараёнлар: салбий жиҳатлари ва оқибатлари

XX аср охири ва XXI аср бошида дунё миқёсида рўй берган жиддий геосиёсий ўзгаришлар таъсирида геомафкуравий оқимлар пайдо бўлиб, Ер юзининг турли минтақа ва мамлакатларига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу жараёнлар Евроосиё қитъасида (Маккиндер таъбирича «Хартленд»да) айниқса яққол намоён бўлди. Табиийки, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида пайдо бўлган мустақил давлатлар ҳам геомафкуравий оқимлар таъсиридан четда қолмади.

Геосиёсий ўзгаришлар жаҳон сиёсатчи ва давлат арбобларини собиқ Иттифоқ худудида, айниқса, Марказий Осиёда кечётган жараёнларга янгича нигоҳ билан қарашга ундумоқда. Масалан, америкалик таниқли олим ва давлат арбоби З.Бзежинский ушбу минтақада кечётган воқеа-ҳодисаларга ва уларнинг АҚШ манфаатлари учун аҳамиятига эътибор қаратиб келмоқда. Унинг назарида, Евроосиё жаҳоннинг энг йирик ва геосиёсий жиҳатдан ғоят муҳим минтақаси бўлгани боис бу ҳудудни назорат остига олган давлат дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган учдан икки қисмида ҳукмронлик қилиши мумкин. Зеро, сайёрамиз аҳолисининг тахминан 75 фоизи шу ҳудудда истиқомат қиласи, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 60 фоизи ва аниқланган энергетика захираларининг тахминан тўртдан уч қисми ҳам шу қитъа улушига тўғри келади. АҚШдан кейин иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлатлар ҳам Евроосиёда жойлашган. Минтақада етакчилик қилишга ва глобал таъсир кўрсатишга интилаётган, энг кўп аҳолига эга давлат ҳам шу қитъада жойлашган. Евроосиё умумий куч-кудрати ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан ҳатто АҚШни ортда қолдираётгани бу минтақа имкониятларидан далолат беради.

Шу боис иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатлар, жумладан, АҚШ сиёсатида бу ҳудуд устувор аҳамият касб этаётгани бежиз эмас. Яъни, АҚШ бу қитъада ўз манфаатларига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа ёки ҳодисага нисбатан зудлик ва қатъиятлик билан муносабат билдиради.

Хусусан, сўнгги беш йил ичида Афғонистон ва Ироқда амалга оширилган ва ҳозирги вақтда ҳам давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар бунга яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга, бу масалада Россия ҳам ўз манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши (айниқса, сўнги йилларда) табиий ҳолдир.

Сўнгги йилларда Американинг гегемонлик сиёсати сайёрамизнинг барча қитъаларида ва халқаро муносабатларнинг ҳар бир соҳасида кўзга ташланмоқда.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, барча америкаликлар – давлатни бошқараётгандардан тортиб, оддий фуқароларгача бундай сиёсат тўғри эканлигига қаттиқ ишонади ва бошқалар ҳам шундай ўйлашга мажбур деган эътиқод билан яшайди. Бунга жуда кўп мисол келтириш мумкин. Оддий америкаликлар, сиёсатшунослар, олимлар, бизнесменлар ёки америкалик журналистларни қўйиб турайлик-да, замонавий ташқи сиёсатда чуқур из қолдирган дипломатлардан бири, АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссенжернинг “Америкага ташқи сиёсат керакми?” китобидан бир парча келтирамиз: “Янги минг йиллик бўсағасида Америка ўтмишдаги барча империяларни ҳам ортда қолдириб, ўз куч-қудратининг самарасини кўрмоқда. Ҳарбий соҳадан то бизнесгача, илм-фандан, то технологияларгача, олий таълимдан оммавий маданиятгача Америка бутун дунёда чексиз миқёсда устун келмоқда. XX аср-нинг сўнгги 10 йиллигига ҳар жиҳатдан устун позицияга кўтарилиш натижасида Америка халқаро барқарорликни асрарнинг ягона кафолатига айланди”. Муаллифнинг фикрича, жаҳоннинг исталган нуқтасидаги ҳар қандай зиддиятни ҳал этишда АҚШга тенг келадигани йўқ. Мамлакатнинг бундай гегемонлик сиёсатига қарши бўлган ҳар қандай харакат Киссенжернинг таъкидлашича, “миллий манфаатларга таҳдид”дир. Хўш, Президент Г.Трумен давридаёқ мукаммал тарзда йўлга кўйилган, бугун эса янада шиддатли ва андишасиз кўриниш касб этаётган бу гегемонизм нималарда намоён бўлади?

Аввало, сиёсий соҳада.

Бу борада америкалик сиёсатдонлар амалга оширишга улгурган ишларга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. АҚШ ўз йўриғига юришни истамаган давлатларга, биринчи навбатда, сиёсий жиҳатдан босим ўтказади. Санкциялар қўллаш билан таҳдид қилиш, ахборот хуружи, сиёсий жиҳатдан яккалаш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини тушириш кабилар шундай воситалардандир. Қолаверса, БМТ, Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Жаҳон банки сингари дунёning энг йирик халқаро ташкилотларидағи етакчи мавқеи ҳам босим ўтказишида катта имконият беради. Сурия, Судан, Шимолий Корея, Венесуэла каби давлатларга нисбатан олиб борилган сиёсат бунга мисол бўла олади.

Бошқа мамлакатлардан халқаро ҳукуқ нормаларига сўзсиз амал қилишни талаб қиласидиган АҚШнинг ўзи бу нормаларни кўп маротаба бузган ёки уларга умуман қўшилмаган. Биологик қуролларни тарқатмаслик ҳақидаги битим, Киото протоколи сингари халқаро шартномалар шулар жумласидандир. Дарвоқе, Киото протоколи ҳақида бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирга келиб, ҳар йили июндан ноябрга қадар американинг тропик минтақаларида давом этадиган тўфонлар мавсуми АҚШ саноат корхоналари томонидан табиатга етказилган чексиз заарнинг, аниқроғи, ана шу халқаро шартномага қўшилмасликнинг оқибатидир. Бу ҳақда олимлар америка ҳукуматини бундан 35 йил олдин огохлантирган эдилар ва бугун ҳам бу чақириклар тингани йўқ. Аммо протоколга қўшилиш — жуда катта харажат, деганидир. Ортиқча харажатлар эса Кўшма Штатларга керак эмас.

АҚШ томонидан гегемонизм сиёсати иқтисодий сиёсатда ҳам фаол қўлланилади. Ҳеч кўзингиз тушганми, “Майкрософт” корпорациясининг машхур компьютер дастурларини ўрнатаётганингизда даставвал экранда “Лицензия келишуви” деган ойна пайдо бўлади. Унда шундай ёзув бор: “Сиз ушбу компьютер дастурини АҚШ томонидан чекловлар жорий этилган давлатлар, жумладан, Куба, Эрон, Ироқ, Ливия, Шимолий Корея, Судан ва Сурияга олиб кирмаслик, бу давлатлар фуқароларига вақтинчалик фойдаланиш учун бермаслик мажбуриятини оласиз”. Бундай чеклов АҚШ Савдо вазиригининг Экспорт назорати бюроси томонидан Америкада ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотларга белгиланади. Ушбу тақиқнинг демократия талабларига қай даражада мос келиши масаласини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига қолдирган ҳолда айтмоқчимизки, бу иқтисодий босим ўтказиш йўлларидан бири, холос.

Гегемонизмнинг учинчи асосий кўриниши маданий сиёсатда намоён бўлади. Юқорида тилга олинган китобида Киссинжер ёзади: “Биз бу миллатни инсонларни озод қилиш учун яратдик, биз ўз концепциямиз ва мақсадларимиз нуқтаи назаридан олиб қараганда, Америка билан чекланмаймиз ва энди барча инсонларнинг озод бўлиши учун ҳаракат қиласиз. Агар бундай қилмасак, Американинг шон-шавкати барбод бўлади, унинг қудрати эса ҳавога учиб кетади”. Американизмнинг моҳиятини мана шу сўзлардан янада муфассалроқ англаб етиш мумкин. Бундай сиёсат одатда “маданиятларни бойитиш”, “демократия анъаналарини жорий этиш” йўллари билан амалга оширилади. Ўз қадриятларини сақлашга уриниб, бундай “маданий уйғунлик”ни, “демократия талаблари”ни қабул қилмайдиган давлатлар олдида эса икки йўл туради: ё бўйсуниш, ё қолоқлик, халқаро сиёсатда яккаланиш, обрўсизланишга дучор бўлиш. Бу ва юқорида санаб ўтилган бошқа ҳолатлар АҚШ томонидан қўлланиладиган босимлардан айrim мисоллар холос. Американинг бундай ташқи сиёсатидан кўзланган бош мақсад – инсониятнинг энг муҳим табиий, молиявий, интеллектуал ва информацион ресурслари устидан ўз назоратини ўрнатишдир.

2005 йил Андижонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг, мана икки йилки, мамлакатимизга нисбатан ўтказилаётган босимлар ҳамон тинмаяпти. Бу сценарий (балки энди, сериал деб аташ мақсадга мувофиқдир) давомида босимнинг барча усувлари қўлланилди: Би-Би-Си, “Озодлик” радиоси, «Нью-Йорк Таймс» каби газеталар «Ассошиейтед Пресс», «Рейтер» ахборот агентликлари сингари турли ОАВ орқали ахборот хуружи; БМТ, Human Rights Watch, IWPR, Халқаро Амнистия қўмитаси сингари халқаро ташкилотлар орқали сиёсий босим ўтказилмоқда.

Шундай меросга эга халқ ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Ўзини ҳимоя қилишга қодир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти минтақадаги геосиёсий вазиятни эътиборга олиб, мамлакат мустақиллиги ва истиқболига таҳдид солаётган хавф-хатарга қарши туриш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон — Россия иттифоқчилик муносабатларининг аҳамияти бекиёсдир. Бу муносабатлар

Ўзбекистон мустақиллиги, танлаган йўли, мустақил ташқи сиёсатини ҳимоя қилиш, кўзлаган мақсадимизга эришишга хизмат қиласи.

Микроминтақавий нуқтаи назардан асосий геосиёсий объект саналган Марказий Осиё Россиянинг стратегик муҳим қўшнисигина эмас, балки Евроосиё ва умуман, жаҳон сиёсати жумбоқларининг ўзига хос «калити»дир. Шу боис Марказий Осиё ҳудудида рўй бераётган ва бу минтақа давлатларига таҳдидлар, нафақат шу ҳудудда жойлашган мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлиги, балки Россия Федерация-сининг миллий хавфсизлик муаммоларига ҳам бевосита дахлдордир.

Марказий Осиё тарихан Ғарб-Шарқ, Шимол-Жануб йўналишлари чорраҳасидаги транспорт-коммуникация бўғини, ғоят муҳим ресурслар оқимининг маркази, шарқий (мусулмон) ва ғарбий (насроний) цивилизациялар ўртасидаги барча жараёнларда «фільтр» ва «бўғин» сифатида ҳозирги замон халқаро тартиботнинг шаклланишида Ўзбекистон ва Россия манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда манфаатдор ҳукмрон доираларнинг маблағи эвазига бекарорлик келтириб чиқаришни кўзлаётган турли нодавлат ташкилотларининг фаолиятидан тортиб, дунёни якка қутблилик асосида бошқаришга қаратилган барча геосиёсий ҳаракатларгача назорат қилинишига алоҳида эътибор қаратилади.

Бундай хулоса чиқаришга етарли асослар бор. Кўпгина таҳлилчиларнинг таъкидлашича, сўнгги 20–30 йилда жаҳон бўйича энергия истеъмоли анча кўпайган. АҚШ энергетика вазирлигининг маълумотларига кўра, 1993 ва 2015 йиллар оралиғида ёқилғининг энергия захираларига эҳтиёж камида 50 фоизга ортади. З.Бзежинский таъкидлаганидек, “Осиёдаги иқтисодий тараққиётга берилган туртки янги энергия захираларини излаб топиш ва улардан фойдаланишга катта таъсир кўрсатилишини англатади. Маълумки, Марказий Осиё ва Каспий минтақаси ҳудудларида табиий газ ва нефть захиралари жойлашган”. Энергия маҳсулотларига бўлган бундай катта эҳтиёж ва кўпгина давлатларда уларнинг танқислиги иқтисодиётини ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш ҳаракатидаги давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қандай бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Иккинчидан, халқаро муносабатларда кучлар мутаносиблигида жиддий ўзгаришлар юз берганини таъкидлаш жоиз. Эндиликда битта ёки бир неча йирик давлатлар гуруҳининг устунлигини ўрнатиб бўлмайди. Бунда дунёning барча нуқталаридаги куч марказлари, жумладан, ЕвроАзЭС давлатлари куч-қудрати, салоҳияти билан ҳисоблашишга тўғри келади. Давлатлараро муносабатлар амалиёти шундан далолат берадики, кучлар мутаносиблиги тамойилини тушунмаслик, уни тан олмаслик ёхуд давлатнинг ташқи сиёсатида эътиборга олмаслик ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кучлар мутаносиблиги ва ундаги жиддий ўзгаришларни инобатга олиш нафақат сиёсатнинг устувор йўналишлари, мақсад ва воситаларини ишлаб чиқишида, балки халқаро муносабатлар ривожининг истиқболини башорат қилишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Давлатларнинг ўзаро алоқадорлиги

ортаётган, халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфи кучаяётган ҳозирги даврда бу айниқса муҳимдир. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина ҳудудларида ўзига хос минтақавий кучлар мутаносиблиги тизими қарор топган. Бундай тизим Марказий Осиёда ҳам шаклланган. У кўпгина давлатларнинг, жумладан, АҚШ ва Россия экспертлари ва таҳлилчиларининг эътиборини жалб этмоқда. Минтақавий кучлар мутаносиблигига рўй берадиган ўзгаришлар, аввало, унинг иштирокчилари, яъни Марказий Осиё республикалари учун муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг бу тизимга мослашиши, ҳаракатлари, сиёсат юритиши нафақат ўзининг, балки бутун минтақа ҳудудида хавфсизликни белгилаб беради. Зоро, бу ердаги кучлар мутаносиблиги кўплаб йирик давлатлар таъсири билан белгиланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган “глобализмга регионализм орқали” ғояси долзарб аҳамият касб этади. Бизнингча, унда жаҳон сиёсатининг асосий йўналишлари жумладан, геосиёсий вазият, миллий манфаатлар, глобал ва минтақавий кучлар мутаносиблигининг узвий боғлиқлиги ўз ифодасини топган. Қолаверса, бу ғоя глобаллашув жараёни келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш, турли таҳдидларни минтақавий жипслик ва ҳамкорликни кучайтириш орқали бартараф этиш, демакки, мамлакатимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш, ҳар жиҳатдан тараққий этишига хизмат қиласи.